

## ҚУЙИЧИРЧИҚ ТУМАНЛАРАРО

## ИҚТИСОДИЙ СУДИНИНГ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН  
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

Чиноз тумани

2023 йил 26 сентябрь

Қуйичирчиқ туманлараро иқтисодий судининг судьяси XXXXXXXXXXXXнинг раислигида, судья ёрдамчиси XXXXXXXXXXXXнинг котиблигида, даъвогар "XXXXXXXXXXXX" масъулияти чекланган жамиятининг жавобгар якка тартибдаги тадбиркор "XXXXXXXXXXXX" ҳисобидан 3.260.000 сўм қарздорликни ундириш тўғрисидаги даъво аризасини тарафлардан даъвогар "XXXXXXXXXXXX" масъулияти чекланган жамияти раҳбари XXXXXXXXXXXX, ишончли вакили XXXXXXXXXXXX (2023 йил 04 сентябрдаги ишончнома асосида)лар иштирокида, иш хужжатлари билан биргаликда "XXXXXXXXXXXX" масъулияти чекланган жамияти маъмурий биносида очик, сайёр суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни,

## А Н И Қ Л А Д И:

"XXXXXXXXXXXX" масъулияти чекланган жамияти судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар якка тартибдаги тадбиркор "XXXXXXXXXXXX" ҳисобидан 3.260.000 сўм қарздорликни ундиришни сўраган.

Суд муҳокамасида даъвогар "XXXXXXXXXXXX" масъулияти чекланган жамияти жамияти раҳбари XXXXXXXXXXXX, ишончли вакили XXXXXXXXXXXXлар даъво аризадаги важларни такрорлаб, якка тартибдаги тадбиркор "XXXXXXXXXXXX" билан 2023 йил 06 январда бозор дўконларидан фойдаланиш бўйича 0113-сонли ижара шартномаси расмийлаштирилганини, 2023 йил январь ойи 2.765.000 сўм қарздорлиги вужудга келиб, 2023 йил январь ва февраль ойлари учун 3.260.000 сўм ижара ҳисобланиб, жавобгар томонидан 2.765.000 сўм тўлаб берилганлигини ҳамда 2023 йил 31 июль ҳолатига 3.260.000 сўм қарздорлиги вужудга келганлигини, қарздорликни тўлаш юзасидан бир неча маротаба мурожаат қилганлигини, натижа бўлмаганлигини билдириб, даъвони қаноатлантириб беришни сўради.

Жавобгар бугунги суд мажлисининг ўтказилиш вақти ва жойи тўғрисида қонунда белгиланган тартибда суд ажрими асосида хабардор қилинган бўлса-да, иштирок этмади, даъво аризаси юзасидан қўшимча далил, эътироз ёки фикрлари тўғрисида судга ҳеч қандай маълумотлар келиб тушмаган.

Бундай ҳолда суд ишни Ўзбекистон Республикаси иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда ИПК деб юритилади)нинг 128, 170-моддаларига асосан жавобгар иштирокисиз кўриб чиқишни лозим деб ҳисоблайди.

Суд, ишда тўпланган материалларни ўрганиб чиқиб, уларни таҳлил қилиб, ишда иштирок этувчи даъвогар тараф вакилларининг тушунтиришларини



тинглаб, куйидаги асосларга кўра даъвогарнинг даъво талабини тўлиқ қаноатлантиришни ва ишни кўриш билан боғлиқ барча суд харажатларини жавобгар зиммасига юклашни лозим деб топади.

Иш хужжатларида кўринишича тарафлар "XXXXXXXXXXXX" масъулияти чекланган жамияти (кейинги ўринларда "Ижара берувчи" деб юритилади) ҳамда якка тартибдаги тадбиркор "XXXXXXXXXXXX" (кейинги ўринларда "Ижарага олувчи" деб юритилади) ўртасида 2023 йил 06 январда 0113-сонли ижара шартномаси тузилган.

Мазкур шартноманинг 1-бўлими 1.1-бандига мувофиқ, "Маъмурият" билан "Ижарага олувчи" ўртасида турғун савдо шахобчаси ижараси учун ҳар ойига 892.857,14 сўм, кўшилган қиймат солиғи учун 107.142,85 сўмдан жами 11.999.999,96 сўм, ер майдонидан фойдаланганлик учун ҳар ойига 562.500 сўм, кўшилган қиймат солиғи учун 67.5000 сўмдан жами 7.560.000 сўм ижара ҳақи тўлаш юзасидан ўзаро келишган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг(бундан буён матндаФК деб юритилади) 544-моддасига кўра, ижарага олувчи мол-мулкдан фойдаланганлик учун ҳақни ўз вақтида тўлаб туриши шартлиги, мол-мулкдан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш тартиби, шартлари ва муддатлари мулк ижараси шартномаси билан белгиланиши, булар шартномада белгиланмаган ҳолларда одатда худди шундай мол-мулкни ўхшаш ҳолатларда ижарага беришда қўлланиладиган тартиб, шартлар ва муддатлар белгиланган деб ҳисобланади.

Тарафлар ўртасида тузилган мазкур шартноманинг 2-бўлимида шартнома муддати ва ҳисоб-китоб шартлари белгиланган бўлиб, ушбу бўлимнинг 2.1-2.7-бандларига "Ижарага олувчи" ажратиб берилган турғун савдо шахобчаси учун амалдаги қонунчиликка асосан белгиланган тариф бўйича белгиланган миқдорда ижара ҳақини тўлаши, ижара ҳақи бир ой учун 1 м майдонга Тошкент вилояти ҳокимининг 2019 йил 31 декабрдаги 871-сонли қарорининг 3-иловасига асосан ҳисобланиши, "Ижарага олувчи" турғун савдо шахобчасидан ташқари кўшимча ер майдонидан ёки омбор ва ертўладан фойдаланса, мазкур шартноманинг иловасига мувофиқ белгиланган ставка асосида ҳар ой учун ижара ҳақига кўшиб тўлаши, ижара шартномаси 2023 йил 04 январдан 2023 йил 31 декабргача буўлган муддатга тузилиши, "Ижара берувчи" ижара ҳақи тўловларининг миқдорини бир томонлама ўзгартириш ҳуқуқига эга бўлиши, "Ижарага олувчи" ижара ҳақини ҳар ойнинг 15 санасига қадар 100 фоиз миқдорда тўлаши шартлиги, шартнома кучга кирган кундан эътиборан ижара тўлови "Ижарага олувчи" турғун савдо шахобчасидан фойдаланиши ёки фойдаланмаслигидан қатъий назар белгиланган муддат ичида тўлаши юзасидан тарафлар ўзаро келишган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 апрелдаги "Дехқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-1326-сонли Қарорининг 4-бандида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳудудий молия ва солиқ органлари билан келишилган ҳолда бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан ундириб олинадиган бир марталик йиғимлар, ижара тўлови ва кўрсатиладиган хизматлар қиймати миқдорларини ҳар йили тасдиқлаши белгиланган.



Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 августдаги "Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини фаолиятини тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 253-сонли қарорининг 37. Устав фондида давлат улуши камида 51 фоизни ташкил этадиган савдо комплексларида ижара тўлови миқдори ва кўрсатиладиган хизматлар қиймати ҳар йили ҳудудий молия органлари ва давлат солиқ хизмати ҳудудий органлари билан келишган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан тасдиқланиши, ушбу Қарорнинг 46-бандига асосан бозор маъмурияти томонидан ундириладиган бир марталик йиғим тўлови, ижара тўлови ва кўрсатиладиган хизматлар ҳақи миқдорлари ҳар йили ҳудудий молия органлари ва давлат солиқ хизмати ҳудудий органлари билан келишган ҳолда, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан тасдиқланиши белгиланган.

Тошкент вилояти ҳокимининг 2019 йил 30 декабрдаги "Тошкент вилоятидаги бозорлар ва савдо комплекслари маъмурияти томонидан 2022 йилда ундириб олинadиган бир марталик йиғимлар, ижара тўловлари ва кўрсатиладиган хизматлар қийматининг янги миқдорларини жорий этиш тўғрисида"ги 871-сонли қарори билан ундирилидан тўловлар миқдори тасдиқланган.

ФК 236-моддасига мувофиқ мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса - иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши кераклиги белгиланган.

Бир томонлама даъвогар томонидан тасдиқланган таққослаш далолатнома асосида жавобгарнинг даъвогар олдида 01.01.2023 йил ҳолатига 2.765.000 сўм қарздорлиги мавжудлиги ва 2023 йил 30 январдаги 47-сонли ҳисоб фактура асосида 1.630.000 сўм ва 2023 йил 21 февралдаги 163-сонли ҳисоб фактура асосида 1.630.000 сўм ҳисобланиб, жавобгар томонидан 2023 йил 23 февралдаги 37-сонли тўлов тпширикномаси асосида 2.765.000 сўм тўлаб берилиб, ҳисобланган ижара ҳақидан жавобгарнинг даъвогар олдида 2023 йил 31 июль ҳолатига 3.260.000 сўм қарздорлиги вужудга келган.

Ушбу ҳолат суд муҳокамасида иштирок этган даъвогар тараф вакиларининг тушунтиришлари, тузилган ижара шартномаси, ҳисоб-фактуралар ҳамда ишдаги бошқа ҳужжатлар билан ўз тасдиғини топди.

ФКнинг 333-моддасига асосан, қарздор айби бўлган тақдирда мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, жавоб бериши назарда тутилган.

Даъвогар томонидан қарздорлик тўлаш юзасидан жавобгарга 2023 йил 21 августда 244-сонли талабнома асосида мурожаат қилган бўлсада, ушбу талабнома жавобгар томонидан оқибатсиз қолдирилган.

Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал Кодекс 66-моддасига кўра, иш бўйича далиллар ушбу кодексда ва бошқа қонунларда назарда тутилган тартибда олинган фактлар ҳақидаги маълумотлар бўлиб, улар асосида суд ишда иштирок этувчи шахсларнинг талаблари ва эътирозларини асословчи ҳолатлар, шунингдек низони тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга



бўлган бошқа ҳолатлар мавжудлигини ёки мавжуд эмаслигини аниқлайди. Бундай маълумотлар ёзма ва ашёвий далиллар, экспертларнинг хулосалари, мутахассисларнинг маслаҳатлари (тушунтиришлари), гувоҳларнинг кўрсатувлари, ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришлари билан аниқланади.

Ушбу Кодексининг 68-моддасида ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаблари ва эътирозларига асос қилиб келтираётган ҳолатларни исботлаши кераклиги, агар ушбу Кодексда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, суд мажлиси бошлангунига қадар ёки суд белгиланган муддат доирасида очиб бериши лозимлиги, ишда иштирок этувчи шахслар фақат ишда иштирок этувчи бошқа шахслар олдиндан таништирилган далилларга асосланишга ҳақлилиги, агар тараф суд томонидан талаб этилаётган далилни ўзида ушлаб турган ва суд сўрови билан белгиланган муддатда уни тақдим этмаётган бўлса, ундаги маълумотлар шу тараф манфаатларига қарши қаратилган деб тахмин қилинади ва у томонидан тан олинган деб ҳисобланиши, мазкур Кодекснинг 72-моддасига кўра, Қонун ҳужжатларига мувофиқ муайян далиллар билан тасдиқланиши керак бўлган иш ҳолатлари бошқа далиллар билан тасдиқланиши мумкин эмас.

Юқоридагилардан келиб чиқиб суд, даъвогарнинг даъво талабини тўлиқ қаноатлантириб, жавобгар ҳисобидан даъвогар фойдасига 3.260.000 сўм қарздорликни ундиришни, низонинг келиб чиқишида жавобгарнинг айбдорлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси 118-моддаси талабларига асосан ишни кўриш билан боғлиқ суд харажатларини жавобгар зиммасига юклашни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг 236, 263, 333, 544-моддалари, Ўзбекистон Республикаси иқтисодий процессуал кодексининг 66, 72, 68, 118, 176-180, 186, 187-моддаларига асосан, суд

## **Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :**

Даъвогарнинг даъво талаби тўлиқ қаноатлантирилсин.

Жавобгар яқка тартибдаги тадбиркор "XXXXXXXXXXXX" ҳисобидан:

Даъвогар "XXXXXXXXXXXX" масъулияти чекланган жамияти фойдасига 3.260.000 сўм қарздорлик, 330.000 сўм давлат божи ва 33.000 сўм почта харажати ундирилсин.

Ҳал қилув қарори қабул қилингандан кейин бир ойлик муддат ўтгач қонуний кучга киради.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач, ижро варақаси берилсин.

Мазкур ҳал қилув қарори устидан бир ойлик муддат ичида Тошкент вилояти судига апелляция тартибида шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.

**Раислик қилувчи, судья:**

**XXXXXXXXXXXX**

